



# ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 14 август 32 (312) ● Сотувда нархи эркин

Давлат алоқа инспекциясининг етти ойлик иш якунлари ва 1998 йил 10 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 293-сонли қарори билан тасдиқланган янги Низомига бағишланган навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

## ЯНГИ ВАЗИФАЛАР МАСЪУЛИЯТИ

Йиғилишда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директорининг ўринбосари А. А. Жикаев катнашиб, Давлат алоқа инспекцияси ходимлари олдига турган янги вазифалар тўғрисида сўз юритди. Жумладан, у янги Низом Давлат алоқа инспекцияси ходимларининг масъулиятини янада оширганлигини айтди.

Шу кунларда инспекция ходимлари олдига турган асосий вазифалардан бири телерадиодастурларни тарқатувчи корхоналар, шунингдек «Интернет» тармоғига чиқиш хизматини кўрсатаётган турли корхоналарни аниқлаш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, меъёрий ҳужжатлари асосида, шу тур алоқа хизматларига махсус рухсатнома (лицензия) олган ҳолда фаолият юритишларини таъминлашдир. Шунингдек, улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига радиоелектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни ўрнатилган тартибда риоя қилган ҳолда олиб кириш ва эксплуатация назоратини таъминлашга алоҳида эътибор беришлари керак. Бир сўз билан айтганда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш зарурдир.

Йиғилишда Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Ф. М. Зиёев етти ойлик иш якунлари ва инспекция ходимлари олдига турган навбатдаги ва-

зифалар тўғрисида маъруза қилди.

Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Тошкент шаҳрида 1998 йилнинг июль ойидан 2 августигача «Интернет» тармоғига чиқиш хизматини кўрсатаётган 5 та корхона, телерадиодастур кўрсатувларини тарқатувчи 44 та корхонада мақсадли текширувлар ўтказилганлиги ва камчиликлар юзасидан тегишли кўрсатмалар берилганлигини таъкидлади.

Шунингдек, «Дельта», «Бах Дал Анж» хусусий фирмасининг «РАБ» кабель телевидение студиялари махсус рухсатномасиз (лицензиясиз) ишлаётгани аниқланиб, ўрнатилган тартибда чора кўриш учун тайёрланган материаллар Миробод ва Юнусобод туман солиқ кўмиталари ҳамда Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасига берилди.

Давлат алоқа инспекцияси ходимлари бундан кейин масъулиятни чуқур ҳис этиб, алоқа соҳасида хизмат кўрсатаётган барча корхоналарда ўтказилади-

на текширишларни истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилган ҳолда олиб боради деган умиддамиз.

Йиғилишда тегишли қарор қабул қилинди.

**Ашурбой РЎЗМЕТОВ,**  
Тошкент шаҳар Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи,  
**Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ,**  
«ХАВАР» мухбири

## КАДРЛАР МАЛАКАСИ – МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Бозор иқтисодиёти ҳаётимизнинг барча жаҳаларига кун сайин чуқурроқ кириб бормоқда. Унинг талабларига мослашиш, шу мақсадда турли ислохотлар ўтказиш, қурилиш, транспорт, алоқа, саноат, хизмат кўрсатиш соҳалари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда ишни бозор муносабатлари асосида ташкил этиш корхоналар олдига турган долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу масалаларни ҳал этиш эса жамиятдаги яратувчи ва ҳаракатлантирувчи куч-замонавий кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида ҳам туб ислохотлар ўтказишни тақозо этмоқда. Шу мақсадда 1997 йили қабул қилинган кадрлар тайёрлаш Миллий дастури муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида ҳам бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди. Мухбиримиз агентлик тасарруфидagi икки йирик компания — «Маҳаллий телеком» акциядорлик компанияси кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича етакчи мутахассиси **Кенжу СУЛТОНОВА** ва «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси кадрлар бўлими бошлиғи **Абдували СОДИҚОВ**лар билан учрашиб, корхонада бу борада кейинги йилларда олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.

**Мухбир:** — Сизнингча, шу куннинг мутахассиси қандай фазилатларга эга бўлиши керак?

**Кенжу СУЛТОНОВА:** — Аввало, республикамизда кейинги йилларда рўй бераётган ижтимоий, сиёсий ўзгаришларга бир назар солаёлик. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, кадрларимиз тикланди, Ўзбекистон дунёни, дунё эса Ўзбекистонни таниди. Чет

эллар билан иқтисодий, техникавий ҳамкорлигимиз кенгайиб бормоқда. Хусусан телекоммуникация соҳасида ривожланган давлатларнинг машҳур фирма ва компаниялари билан ҳамкорликда қисқа вақт ичида электрон алоқа техникасини ўрнатиш ва ишлатиш борасида жуда катта ишлар қилинди. Мутахассисларимиз чет элларда мазкур техникани ўрганиш бўйича ривожланган давлатларнинг телекоммуникация ўқув марказларида малака ошириб келмоқдалар. Чет давлатларнинг Ўзбекистонга қизиқиши эса кучайиб бормоқда. Мустақил давлатнинг ёш мутахассиси ўз соҳасини пухта билиши билан бирга компьютер техникаси, иқтисод, адабиёт, санъат, маданият, юртимиз тарихи, жаҳонга ном таратган буюк аллома ва саркардаларимиз ҳаётини яхши биладиган, маънавиятимизни теран идрок эта оладиган, ҳар томонлама баркамол, Ватанига, халқига содиқ фидойи бўлмоқликлари лозим. Шуларнинг ёнига яна бир нарса — чет тилини ўрганиш масаласини ҳам қўшиш керак. Ёш мутахассисларимиз орасида чет эллик ҳамкасблари билан уларнинг тилида бемалол суҳбатлаша оладиганлари бор. Буларнинг ҳаммаси давр талаби билан ҳамоҳанг фазилатлардир.

**Абдували СОДИҚОВ:** — Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганидан кейин Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ташаббуси билан Тошкент электротехника Алоқа институти қошида лицей очилди. Бу нарса мактаб ўқувчилари орасидан иқтидорли ва истидболли, энг муҳими, алоқачилик касбига ҳавас қўйган ўқувчиларни танлаб олиш имконини берди. Зеро, ҳар қандай касб соҳибида Кенжу Султоновна санаб ўтган фазилатлар қаторида ўз касбининг фидойиси бўлишдек эзгу фазилат ҳам бўлиши керак.

**Мухбир:** — Корхонагизда

кадрлар малакасини ошириш борасида кейинги йилларда олиб борилаётган ишлар ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.

**Кенжу СУЛТОНОВА:** — Кадрлар малакасини ошириш масаласига корхонамизда ҳаммавақт ҳам жиддий эътибор бериб келинган. Кейинги йилларда эса эътибор янада кучайди. Шу йилнинг ўтган биринчи ярмида алоқа институтида, Марказий Осиё телекоммуникация ўқув марказида 96 муҳандисимиз, 12 ходим молия институтида, булардан ташқари ёш мутахассисларимиз янги техника бўйича чет элларда малака ошириб келишди. Бу йил раҳбар ходимлардан етти киши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетига «Бозор иқтисоди асослари» мавзусида тахсил олишди. Яқинда «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси билан биргаликда мазкур университетда корхоналаримизнинг вилоят бошқармалари кадрлар бўлиmlари бошлиқлари «Инсон имкониятларини бошқаришни самарадорлигини ошириш» мавзусида 48 соатлик дастур бўйича малака ошириб келди. Бу машғулотлар аввалгиларидан тубдан фарқ қилди. Мавзунинг биз таклиф этдик, дастур эса университет билан ҳамкорликда тузилди. Дастурда ишда учраши мумкин бўлган турли вазиятларни тахлил этиш, амалий машғулотлар, давра суҳбатлари, баҳс ва мулоқотлар ҳам ўрин олганлиги яхши самара берди. Меҳмонхона, ошхона ва машғулотлар хонасининг бир бинода жойлашганлиги тингловчиларга қулайлик туғдирди ва машғулотлар юқори савияда ўтди. Тинглов-

### ЯПОН АЛОҚАЧИЛАРИ ҚИЗИЛТЕПАДА

Навоий вилояти Қизилтепа тумани электралоқа тармоғига шартнома асосида Япониянинг «НЭК» фирмасидан жаҳон андозаларига мос ускуналар келтирилди. Бу компьютер тизими билан жиҳозланган янги телефон станцияси бўлиб, исталган жой билан тез ва сифатли алоқа боғлаш имконини беради. Ҳозир япониялик мутахассислар уни монтаж қилишга киришдилар. Мамакатимиз мустақиллигининг етти йиллиги арафасида қизилтепаликлар 3 минг рақамли янги телефон станциясига эга бўлади.

ЎЗА

● Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг етти йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тақвирини кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур кўмита раиси Исмоил Жўрабеков бошқарди. Мажлисда байрамга тайёргарлик қандай бораётганлиги тўғрисида мутасаддиларнинг ахборотлари

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

тингланди.

● Бухоро вилояти кинотеатрларида Фильмлар фестивали бўлиб ўтди. Мустақиллигининг етти йиллигига бағишланган бу хайрли тадбирни вилоят ҳокимлиги билан «Ўзбекино» давлат акционерлик

компанияси ҳамкорликда ташкил этди. Фестиваль давомида бухгалтерлар олти янги бадий ва тўртта ҳужжатли фильмини томоша қилдилар.

● Шу йилнинг етти ойлик якунларига кўра, Литвада пул-

нинг кадрсизлигани 2,8 фоизни ташкил этди. Утган йилнинг худди шу даврида ушбу кўрсаткич, 5,1 фоизга етган эди. Кейинги пайтларда ушбу жой коммунал хизматлари ва турли моллар нархи тезкорлик билан ўсмоқда. Бирок, озик-овқат маҳсулотларининг нархи кескин пасайди.

● Моника Левински ўзининг АҚШ Президенти билан ишқий алоқалари бир ярим йилдан ортқ

муддат давом этганлигини тан олди. Билл Клинтоннинг ўзи 17 август кун Оқ уйда терговчи саволларига жавоб қайтарди.

● Яман Президенти гаровга олганлик учун ўлим жазосини жорий этиш тўғрисидаги фармонини имзолади.

● Шри-Ланкада фавқулқадда ҳолат эълон қилинди. Бу ерда бўлиб ўтган тўқнашувлар пайтида икки ҳафта мобайнида 217 киши ҳалок бўлди.

(Давоми 2-бетда).

## КАДРЛАР МАЛАКАСИ – МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

чиларни ташкилий равишда Амир Темур музейи, Ҳамза ва Навоий театрларига боришлари, университетда ташкил этилган қизиқарли учрашувлар ҳам ўз самарасини берди. «Маҳаллий телеком»дан машғулотларга жалб этилган 28 кишининг ҳаммаси ҳам машғулотлар низоҳатда фойдали бўлганлигини таъкидлашди.

**Абдували СОДИКОВ:** — 1996 йил, 1 апрелидан янги меҳнат кодекси жорий этилди ва энди кўпгина масалаларни жамоа корхоналарининг ўзи ҳал эта бошлади. Янги меҳнат кодексидagi ўзгаришлар бозор иқтисодиёти талабларини бажариш борасида меҳнат жамоаларига кенг йўл очиб берди. Кадрлар бўлимлари мутасаддилари ҳуқуқий, ташкилий ишларни яхши билиб, ишчи-ҳодимлари билан ишлай билишлари лозим. Мутахассисларни танлаш, малакасини ошириш борасида жамоада яхши шарт-шароитларни вужудга келтиришда ўз ҳиссаларини кўшишлари керак. Бунинг учун эса аввало кадрлар бўлимлари ходимлари ҳар томонлама билимдон, маданиятли кишилар бўлмоқликлари лозим.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетда ташкил этилган мазкур курсларда компаниямиз тасарруфидagi вилоят кадрлар бўлимлари бошлиқларидан 12 киши, шу жумладан камина ҳам машғулотларда қатнашиш бахтига муяссар бўлдим. Бу машғулотлар машғулот ўтказувчиларнинг ўз касбининг етук билимдонлари эканликлари билан ҳам ажралиб турди. Меҳнат кодекси мавзусида маъруза ўқиган, ўзи шу кодекс шарҳларини ёзишда қатнашган Евгений Александрович Соколов, руҳшуносликдан сабоқ берган Лариса Викторовна Чуенко, мулоқот мавзусида дарс бериб, уни юксак инсоний маданият даражасига кўтариб, ўзининг илмий, фалсафий, ҳаётий фикр-мулоҳазалари билан барча тингловчиларнинг қалбида чуқур таассуротлар қолдирган Дилсора Қундусовна Набиевалар шулар жумласидандир. Университетдаги оммавий-ташкилий ишларнинг юқори савияда эканлиги ҳам барчага манзур бўлди.

**Мухбир:** — Яқин йиллардаги режаларингиз?

**Кенжу СУЛТОНОВА:** — Кадрлар малакасини оширишга эътибор бизнинг асосий вазифаларимиздан биридир. Шу йилнинг октябр ойида худди шу дастур бўйича кадрлар бўлими ходимларидан яна бир

гуруҳнинг малака оширишлари режалаштириб қўйилди. Йил охиригача эса идора ходимларидан бир гуруҳини иш юритиш бўйича малака ошириш курсларига юбормоқчимиз. Турли раҳбарлик лавозимларига номзодликка ёш ходимларимиздан 27 кишини тайёрлаганимиз. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Бош директори А. Ҳ. Жўрабоев билан яқин кунларда уларнинг учрашуви режалаштирилган. Давр талаби ва шароит тақозоси билан кадрлар малакасини ошириш ишлари мунтазам ва аниқ дастур асосида олиб борилаверади.

**Абдували СОДИКОВ:** — Бозор иқтисодиёти, ислохотлар, рақобат, мустақиллик мафрураси, тафаккур, маънавият каби сўзлар тез-тез тилга олинган бўлиб қолди. Булар шунчаки оддий сўзлар эмас. Булар чуқур ўрганишимиз, амалга оширишимиз, тарғиб қилишимиз, такомиллаштиришимиз керак бўлган ишлардир. Кадрлар масаласини ҳал этмай туриб бу борада олға жадал силжиш қийин, шунинг учун ҳам бу масалага доимий ва жиддий эътибор зарур. Бизнинг режаларимиз эса олдимиздаги вазифаларни амалга оширишга қаратилгандир.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
суҳбатлашди



Тошкентдаги 21-почта бўлими телефончиси Ольга Николаевна КАРМАНОВА мижозлар олқишига сазовор бўлиб келмоқда.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

«ХАБАР» газетаси тахририят хайъати аъзоси, «Матбуот тарқатувчи» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти Бош директори Рустам Қосимовга отаси  
**Саид ҚОСИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Тошкент почтаси» хиссадорлик жамияти жамоаси хиссадорлик жамияти директори ўринбосари Хатера Шоменовна Тожибоевага падари бузруквори  
**Шомен ота ТОЖИБОЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

### ЭЪЛОН

«ELEKTP ALOQA TA'MINOT» очик турдаги акциядорлик жамияти хиссадорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 1998 йил 10 сентябрь куни соат 10.00 да ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятни қайта ташкил этиш.
2. Бошқа масалалар.

**БИЗНИНГ МАНЗИЛ:** Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 15-уй.

\*\*\*

«ALOQA TA'MINOT» очик турдаги акциядорлик жамияти хиссадорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 1998 йил 10 сентябрь куни соат 10.00 да ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятни қайта ташкил этиш.
2. Бошқа масалалар.

**БИЗНИНГ МАНЗИЛ:** Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 15-уй.

«Андижон почтаси» хиссадорлик жамиятининг Пойтуғ филиали директори ўринбосари Мирзамаҳмуд Саримовков хонасида суҳбатлашиб ўтириб, гап Шерматбек алоқа бўлими бошлиғи Жамолдидин Камоловга бориб тақалди. «Шу ҳамкасбимиз ҳақида» ёсангиз арайди-да. Болажон оила, хизмати ҳам элга манзур. Ўн бир фарзанднинг отаси, ҳалол, пок инсон», — деди Мирзамаҳмуд ака. Булажак мақолам қаҳрамонини излаб, у ишлайдиган Шерматбек алоқа бўлими томон йўл олдим.

сидқидилдан бажараётган Жамолдидин Камолов ҳамкасблари ва маҳалладошлари ўртасида ҳам ўзига яраша кадр-қимматга, обрў-эътиборга эга. Шу почтачилик касби туфайли ўз бахтини толган. Турмуш ўртоғи Энахон Деҳқонова билан бир ёстиққа бош қўйиб, беш ўғил, олти қизнинг отаси, ширинданшаркун уч набиранинг суякли бобоси бўлди. Рафикаси Энахон 25 йилдан буён 10-урта мактабда қишлоқ болалари тарихи фондидан сабоқ беради. Уй юмушлари, фарзандларининг

• 1998 йил — Оила йили

## ҲАВАС БИЛАН ҚАРАШАДИ

Алоқа бўлими Пойтуғ — Норин катта магистрал йўлининг ўнг қирғоғидagi турна қатор тураржой, жамоат бинолари каторида жойлашган экан. Турли юмуш билан келиб-кетадиганларнинг обғи узилмайди. Мижозларга хизмат кўрсатиб, уларнинг кўнглига йўл топа олган алоқачилар чарчаш ниялигини билишмайди.

Жамолдидин ҳамкасблари Маҳмуджон Ҳасанов, Мухаммаджон Бегматов, Абдувоҳид Тулаковларга газета-журналлари, нафақа пулларини бериб, уларга оқ йўл тилади. Иш юритувчи Фотила опа билан эртага қилинадиган ишларини режалаштирди. Бугунги қилинган ишлардан қониқчи ҳосил қилиб, уйига қайтди.

Кўча эшигидан кириши билан оқ келинлик Шакархон билан Шоҳистахонлар бирин-кетин «Ассалому алайкум дадажон, чарчмай келдингизми? Чой дамлаб берайликми?» дея қарши олишди. Келинларининг муомалалари, кўнгли сўрашлари Жамолдидиннинг дилини янада яйратиб юборди.

— Неварларимни олиб чиқинглар, бир ачомлашиб олай, чой-пой бир гап бўлар, — деди у.

Бир пасда неварлар бобоси атрафида уймалашиб қолишди. Уларнинг бирини олиб, бирини қўйиб, юзларидан ўпди. «Боламнинг боласи, қандак ўриннинг донаси» — дея эрқалатди.

Ҳа, тўрт йил почтачилик қилган, кейин сурункасига йиғирма бир йилдан буён алоқа бўлими бошлиғи

тарбиясидан вақт орттириб, Тўрткўл маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар Кенгашининг раиси сифатида жамоатчилик вазифасини ҳам удаламоқда. Фарзандлари ҳам ўзларидан ўзлари кўнайтишиб, оила сулоласи номини шарафламоқдалар. Улғубек, Жавлонбеклар тижорат ишлари билан шуғулланишди, шу йўли билан оила даромадини мустаҳкамлаб, ота белига қувват бўлишга ҳаракат қилишмоқда.

Жамолдидин ва Энахонлар фарзандларини ахлоқли, одобли қилиб тарбиялашган. Шунинг учун ҳам бу оилга ҳамма ҳавас билан қаради. Жамолдидиннинг онаси Садбархон ая Тураева 86 йилни орда қолдирди. У фарштарлардек истариси иссиқ, ширинсухан. Ўғлига, келинига ҳар соҳада маслаҳаттўғи, ёрдამчи. Оилада «Йўлбарс» йилиг тутилганлар тўрт нафар. Була, Садбархон ая, ўғли Жамолдидин, набиралари Фотима, Зухра, лардир. Оилада дастурхон ёзилганда йиғирма киши тўпланади. Уларнинг эзгу ниятлари, орзулари бир олам.

Оила йилида Жамолдидин ва Энахонларга, оиланинг кўт-баракаси, динбатли онақони Садбархон аяларга куч-қувват, имон тиламан. Оилангизда доимо хур-сандчилик, шоду хуррамлик ҳукм сурсин, орзу ҳавасларингиз уш-лаверсин дейман.

Қўлош ҲОЖИМАТОВ,  
жамоатчи мухбиримиз,  
Андижон вилояти

## РАҲБАР ТАШАББУСКОР БЎЛСА...

«Олма пиш, оғзимга туш» деган даврлар ортада қолди. Бозор иқтисодиёти юртдошларимизни тadbиркорлик билан ишлашга даъват этяпти. Агарда корхона раҳбари замон талабини қалбан ҳис этган ҳолда изланиб, ташаббускорлик ва фидокорлик кўрсатса, у ўзига эргашаётганларнинг ишонч-хурматини қозона олади.

Норбой Пиримов директорлик қилаётган «Самарқанд телеком» шубба корхонаси Пастдаргом тумани филиалининг қирқ икки нафар ишчи-хизматчилари ўз бурчларини астойдил бажариб келишмоқда. Кундалик иш фаолиятларини изланувчанлик, тadbиркорлик билан олиб бораётган мазкур корхона алоқачилари ўз мижозларининг талабу истаги асосида иш юритаётганлиги ютуқлар гарови бўляпти. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Жума шаҳри, Чархин қўрғони худудидagi ўн учта жамоа ҳўжалигидa телефон, қишлоқ хонадонларида 3156 та радионукталар ишлаб турибди. Қаҳрамон Эрназаров, Учкун Уринов, Фарҳод Рустамов, Фароғат Қаҳқорова, Илаш Йўлдошев, Бахтиёр Худойназаров каби серғайрат алоқачилар мижозларнинг

оғирини енгил қилишмоқда. Оила йилида аҳолига ўн икки миллион сўмлик ана шундай ҳолис хизмат кўрсатишни мўлжаллаётган туман алоқачилари ҳар ойда пастдаргомликларга бир миллион сўмлик хизмат кўрсатяпти.

Яқинда «Самарқанд телеком» шубба корхонасининг Пастдаргом туман филиали меҳнат жамоаси икки қаватли маъмурий бинога эга бўлишди. Ушбу бинонинг биринчи қаватига ўрнатилган тўрт миң рақамга мўлжалланган электрон АТС шу йилнинг охирида ишга туширилади. Чархин қўрғонидa ҳам икки миң рақамга мўлжалланган электрон автомат телефон станцияси қурилиши бошланади. Аммо кўлга киритилган ютуқларга баъзи муаммолар соя ташлаяпти. Масалан, мазкур филиалнинг техника директори Тошнўйёқубовнинг ачиниши билан айтишча, линиялардаги кабел симлари тез-тез ўғирланмоқда. Уйлаймизки, бу масала ҳам яқин орада ўз ечимини топади.

Насриддин  
ЭШҚУВВАТОВ,  
Самарқанд вилояти

Тошкент телефон-телеграф станцияси жамоаси фахрий алоқачилардан бири, «Алоқа устаси» фахрий унвонини соҳиб

Гастон Авагимович АРУТЮНЯНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

# ЮРТИМ, МУДОМ ҚУЧОҒИНГДА ГУЛ УНСИН

**Юсуфжон ҲАМИДОВ** — 1969 йили Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги Ёш ғайрат қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат Университетининг журналистика факультетида тахсил олган. «Кўнгил куши» номли шеърый китоби чоп этилган. Айти пайтда «Халқ сўзи» газетасида масъул котиб вазифасида хизмат қилмоқда.

## ИЛҲОМ

Бемаҳалда чертилар эшик,  
Чопиб чиқар безовта бир рух,  
Шифтга боқиб ётибди вужуд,  
Ёпинчиғи бир қучоқ андух.

О, англамоқ оғир бу ҳолни,  
Бир ён суврат, бир томон сийрат.  
Икки олам оралиғида  
Пайдо бўлур бир дунё ҳайрат.

Гўдакларча руҳни аллалаб,  
Чулғаб олур бир илоҳий нур.  
Онанг каби маъсум, эркалаб,  
Хузурингга кириб келар шеър...

## ВАТАН

Ватан — Она дегум, муқаддас она,  
Кўнглида гул унди, пойига кўйгум,  
Ватан-бола дегум, бегуноҳ бола,  
Эркалаб кўқларга кўтариб суйгум.

Ватан — Ота дегум, кўкси тоғ Ота!  
Сенинг-да хурматинг жойига кўйгум.  
Кечир, ота, баъзан эркалик қилиб  
Сенинг тоғ елкангга ўтириб кулдим.

## КУТИШ

Мен сени ой-йиллаб кутдим, азизам,  
Оғочлар гуллади нигоҳларимда.  
Олис йўлларингга тўшалиб кўзим,  
Ой чиқиб, ой ботди қабоқларимда.

О, ҳижрон — ситамкор ўзи берган дард.  
Кўксимда бир қучча куйлаб толмади.  
Кунлар ҳазон бўлиб тўқилса ҳам, бас,  
Ёниқ муҳаббатни кўма олмади.

Мен сени асрлаб кутдим, азизим,  
Юрак айтаверди собит бир сўзни.  
Ўжар нигоҳимга беролмай бардош,  
Йиллар хотирамга осди сен қизни...

## ТИЛАК

Йўл бошида айтар тилак зўр бўлсин:  
Юртим, мудом қучоғингга гул унсин.  
Алпомишлар ингаласин сахарлар,  
Бозорларинг бешикларга мўл бўлсин.

Ҳар кимсанинг юрағида арзи бор,  
Отанинг ҳам боласидан қарзи бор.  
Эзгу ниятларин дастурхон қилса,  
Дўсти ёри келсин, ўнгу сўл бўлсин.

Аёл дўстим, узун-қисқа қўлинг бор,  
Ҳаёт отлик минг кўчали йўлинг бор,  
Сафар қилсанг — энг аввало кўнглинг бор,  
Босган қадамларинг равон йўл бўлсин.

Савоб истаб, кимдир олам кезмишдир,  
Нафсининг олов саҳросидан безмишдир,  
Бир ташна лаб дуога қўл чўзмишдир,  
Худо берса йиққанлари қўл бўлсин.

Юсуфжон ҲАМИДОВ



## • Мерос

**Фахриддин Али САФИЙ**

# ЛАТОФАТНОМА

## Луқмадаги қил

Умрида ҳеч қачон шаҳарни кўрмаган бир араб Бағдодга келди. Бағдод халифаси у билан бир товоқда таом еб турган эди, баногоҳ кўзи меҳмоннинг олдидаги битта қилга тушиб қолиб, деди:

— Эй араб, ана шу қилни олиб ташлагин.

Араб қўлидаги луқмани дастурхонга қўйиб, қўлини артди. Халифа сўради:

— Таомдан олмайсанми?

— Йўқ, — деди араб, — меҳмоннинг луқмасига қараганда қилни ҳам кўрадиган кишининг таомидан еб бўладими!

## Ота меҳри

Ҳоким бир ота-болани олиб келиб, икковини калтаклаш-ни буюрди. Аввал отасини ётқизиб, юз таёқ урдилар. Финг деган овоз бермади. Кейин ўглини ётқиздилар. Энди бир таёқ урган эдилар ҳамки, отаси фиғон чекиб юборди. У шундай нола қилдики, болани уришдан тўхтатиб, ҳоким ундан сўради:

— Қани айтчи, сен юз таёқ единг, мардона дош бердинг, финг демading. Ўглингни бир таёққина урганларига нечун нола қиласан?

Ота деди:

— Аввал менинг баданимга урган эдинг, мен чидадим. Энди таёқ жигаримга тегди, чидай олмадим.

## Салла ва калла

Султон Хусайн Бойқоро замонасининг машҳур қозиларидан бири Низомиддин Хиравий валади Ҳожи Муҳаммад Фаррухий бир куни арз сўраб турганда икки киши бир саллани давво қилиб келдилар. Қози фаросат билан муҳокама юри-тиб, уларнинг биридан гумонсиради ва буюрди:

— Мархабо, саллани қандай ўраб юрган бўлсангиз, шундай қилиб бошингизга ўранг.

У киши амрни бажарди. Салладан андаккина ортиб қолди. Қози иккинчисига ҳам шу амрни қилди. У ўраган эди, салла лоппа-лойиқ келди. Қози деди:

— Салла ва калла мувофиқ келди. Демак, салла шу калланики. Бизнинг ҳукимимиз шу. Тўхматчи каззоб товба қилдирилсин.

# КУНЛАРДАН БИР КУНИ...

## КИМГА ЁРИЛГАН МАЪҚУЛ

Бернард Шоудан сўрашибди:  
— Ғам-аламларни кимга айт-ган маъқул: дўстгами ёки душ-мангами?

— Албатта, душманга-да! Улар суянган қанон охиригача эшити-шади.

## ЎЗИНИ... ЎЙНАЙ ОЛМАПТИ

Американинг машҳур кино актери Чарли Чаплини томоша-бинлар жуда яхши кўрарди. Кино ишлаб чиқарувчи компаниялар уни ўз киноларида қатнашишга чақирадилар. Чаплин барча ком-панияларни қаноатлантиролмайд-ди ва кўпларининг таклифини рад қилишга мажбур бўлади. Шундан кейин улар бошқа ар-тистларни ёллаб, Чарли Чаплин-га ўхшатиб грим қилдилар.

Салгина вақт ичида Чаплин ролида ўйновчи артистлар жуда кўпайиб кетади. Кино компания-

лардан бири бу ролни бажаради-ган актёрларнинг танловини ўтқа-зади. Танловда қатнашиш учун жюри ҳайъати олдига бир неча ўнлаб киши келади. Бу артистлар Чарли Чаплинга мумкин қадар кўпроқ ўхшашига, унинг ўйинида-ги қилиқ ва усулларга имкони бор-рича яхшироқ тақлид қилишга уринадилар.

Танлов тугагандан кейин жюри Чарли Чаплинга кўпроқ ўхшаган ва ролини қойилмақом қилиб ўйнаган артистни голиб сифатида эълон қилади. Аммо танловда қат-нашиб, биринчилики ололмаган артистлардан бири шовқин кўтариб, норозилик билдиради.

Бу — танловга билдирмасдан кел-либ қатнашиб, биринчилики олол-маган Чарли Чаплиннинг ўзи эди.

## САХИЙ ОДАМ

Вена кўчаларидан бирида гадо Моцартдан садақа сўрайди. Ком-позиторнинг чўнтағида пул йўқ эди. У гадога шу яқин ўртадаги қаҳвахонага олиб киради. Стол ат-рофига ўтиришгач, чўнтағидан

қоғоз чиқариб, менуэт ёзадида, уни гадога узатади. Гадо Моцарт айтган адресга менуэтни олиб бораркан, ўзича «ҳойнаҳой, бу одам мени лақиллатган бўлса керак», деб ўйлайди. Аммо ман-зилга етиб келгач, таажубдан лол қолди: номи кўрсатилган ношир гадонинг қўлидан қоғозни олиб, унга бешта ол-тин танга беради!

## ФИКРИ... БИР ЖОЙДАН ЧИҚДИ

Драматург Бернард Шоу ўзи-нинг машҳур бир пьесаси кўригидан сўнг бош ролни ижро этган актрисага қўлидагича хат жўнатади: «Қойилмақом, фавқуллодда ҳодиса десаям бўлади, ҳаттоки илоҳий...»

Ҳаяжонланган актриса жавоб қайтаради:

«Ошириб юборибсиз».

Шоу яна хат жўнатади: «Мен ижрони эмас, пьесани назарда туттандим»

Актриса жавоб ёзади:

«Мен ҳам».

## МУАССИС:

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдувоҳид ЖҲРАБОЕВ  
Шухрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ  
Иззат АҲМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
(Масъул котиб)  
Мирўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Қуролбой ТҮЛЕБОВ  
Ёқубжон ХҲЖАМБЕРДИ

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бўрибой АҲМЕДОВ  
Саидмаҳмуд АҚБАРОВ  
Шоҳруҳ АҚБАРОВ  
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.

ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.

Факс: 136-36-42.

ИНДЕКС: 64600

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарриратга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №00011. Бўртма № Г-0277. 8245 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.  
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБAA КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Боснишга топширилади — 19.30  
Боснишга топшириди вақти — 21.00

123456

ДУШАНБА, 17

Телемониторинг диктанти! Профмаксика мусобаёти билан душанба, 17 август кунин УЗТБ-1 кўрсатувлари соат 6.30дан 14.10 гача УЗТБ-III канал орқали намойиш этилади.

УЗТБ-1

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.00 «Олам ва одам». 18.30 «Зиллол-98». Фолигор-этнографик ансамблларнинг телевизион фестивали. 18.50 «Замон билан хамнафас». 19.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7-йиллигига, «Алломши от сурган тупрок». 1-қисм. 19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.20 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 Биржа ва банк хабарлари. 20.05 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иктисод алифбоси». 21.30 «Хамма кўриш шарт... эмас». Мусикий дам олиш дастури. 22.25 «Сизнинг ама-нида». 22.55 Диктат, премьеря: М.Бобоев «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 35-қуй. 23.35 Мустақиллик оидимлари. 23.40 «Уйгок кунлар». Кинокўрсатув. 24.00 «Ахборот». 00.25 — 00.30 Ватан тимиоллари.

УЗТБ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи» (рус тилида). 18.15 «Ерилотшо». Мультўлтам. 18.35 «Жаҳон урушларининг маърифий асарларидан». 19.05 «Оқима». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Туризм ҳақида». 20.20 «Дилором наволар». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Олтин мерос». 21.30 «Фолти минораси» меймонхонаси. Телесериял. 22.20 «Даракчи» (рус тилида). 22.30 Оханлар ва эълонлар. 22.45 Кинонигоҳ. «Серкешу шайри таронаси». 00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

УЗТБ-III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 — 8.40 «Тахлинома». \* 8.40 «Узлик». Бадий-публицистик кўрсатув. 9.05 «Бурч». Кўп қисмли телевизион бадий фильм. 5-қисм. 9.55 Мустақиллик оидимлари. 10.00, 12.00, 14.00 — Янгиликлар. 10.05 Жаҳон спорти. 10.15 «Омад келди». Телевизион уйин. 10.50 «Оталар чоёқонаси». 11.40 «Ишон ва кўнун». 12.05 Кундузги санс «Еввойи оқушлар». Бадий фильм. \* 13.35 — 14.00 Ўзбекистон теледидеокомпанияси хор жамоасининг концерти. \* \* \* \* \*

17.05 Янгиликлар. 17.10 «Аралаш». Болалар учун ҳажвий киножурнал. \* \* \* \* \* Россия жамоат телевидениеси 17.20 — 20.35 \* \* \* \* \* 20.35 Эълонлар. 20.40 «ТВ Сиз учун». \* \* \* \* \* Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30 \* \* \* \* \*

21.30 «Кўнот олами». Бадий фильм. 23.25 — 23.45 «Ахборот» (рус тилида).

УЗТБ-IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ \* \* \* \* \* 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультмоша». 19.05, 21.45 — Ўзлонлар. 19.10 «Морена Клара». Телесериял. 19.55 «Орвоқ манзаралари». Кинолава. 20.00 «Жаҳон». 20.20 «Ўзбекистон — умийи уйимиз» рункида «Чинор» видеоканали. «Рангинкам». «Дидар». 21.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига «Шукрона». 21.05 «Ҳаёт карвони». 21.25 «Хамкорлик». 21.50 Кинометраф. «Бу шунақа уйин». 23.25 Спорт-тайм. 23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 18

УЗТБ-1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 — 8.25 «Ахборот». \* 8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Йй ёр, хуш келибисиз». Мусикий дастур. 9.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига «Ўзбектеелефильм» намойиш этади. «Уйлар муборак. Тожкентим». Премьеря. \* 10. М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 35-қуй. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 «Алломши авлодлари». Спорт дастури. 10.25 Янги алифбонинг урганамиз. 10.55 «Оталар сўзи — аклининг кўзи» почитсидан. 11.45 «Шумтака». Мультфильм премьеряси. 26-серия. 12.05 Мустақиллик оидимлари. 12.10 «Дутор ва танбур тароналари». 12.30 — 14.00 Кундузги санс: «Мовий» тоғлар ёки ҳақиқатан узоқ воқеа». Бадий фильм. \* \* \* \* \*

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Ғаройиб ёр». Мультфильм. 18.20 «Бешбармак». Тележурнал. 18.45 «Қишлоқ хаёти». 19.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Алломши от сурган тупрок». 2-қисм. 19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.15 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Автола». 20.05 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига: «Ватан, буюк сафиндага борман». Хужжатли фильм. 21.45 «Акс-садо». 22.20 «Мехрим дилмида». Маълудда Ойнакулова куйлайди. 22.50 Мустақиллик оидимлари. 22.55 Диктат,

УЗТБ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Ерилотшо». Мультўлтам. 18.35 «Жосулар». Хужжатли сериял. 19.05 «Дойче Велле» тақдим этади... 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Хонадон». 20.10 «Истиклол кўшиклари». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Фолти минораси» меймонхонаси. Телесериял. 21.50 «Жаҳон жанговар санъати». 22.05 «Даракчи». 22.15 Оханлар ва эълонлар. 22.30 «Кинонигоҳ». 00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

УЗТБ-III

16.35 Янгиликлар. 16.40 Болалар учун «Эртангики чоршанба». Кинокўрсатув. \* \* \* \* \* Россия жамоат телевидениеси 6.30 — 8.00, 17.20 — 20.35 \* \* \* \* \* 20.35 Эълонлар. 20.40 «Шоҳсупа сария йул». Спорт дастури. \* \* \* \* \* Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30 \* \* \* \* \* 21.30 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув. 21.55 «Феральерлар келгити». Бадий фильм. 23.50 — 00.10 «Ахборот» (рус тилида).

УЗТБ-IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ \* \* \* \* \* 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50

премьеря: М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 36-қуй. 23.35 «Ахборот». 24.00 — 00.05 Ватан тимиоллари.

УЗТБ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Ерилотшо». Мультўлтам. 18.25 «Еввойи хайнот олами». 19.05 «Кундалик». 19.15 «Болливудга нигоҳ». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Мусикий меймонхона». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Фолти минораси» меймонхонаси. Телесериял. 21.50 «Даракчи». 22.00 Спорт китъаси. 22.30 Оханлар ва эълонлар. 22.40 Кинонигоҳ. «Кўнотда йўқолганлар». 00.40 Тунингиз хайрли бўлсин!

УЗТБ-III

17.05 Янгиликлар. 17.10 «Аралаш». Болалар учун ҳажвий киножурнал. \* \* \* \* \* Россия жамоат телевидениеси 6.30 — 8.00, 17.20 — 20.35 \* \* \* \* \* 21.35 Эълонлар. 20.40 «Сиз уларни танийсиз».

Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30 \* \* \* \* \* 21.30 Шарқ киноси. «Бобби». Бадий фильм (Хиндистон). 23.40 — 24.00 «Ахборот» (рус тилида).

УЗТБ-IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ \* \* \* \* \* 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультмоша». 19.05 Телефакт. 19.15 «Тасвир». 19.35 Мусикий хамнафас. 19.50, 21.00 — Ўзлонлар. 19.55 «Мубабат тарихи». Телесериял. 20.40 «Солик ҳақида сабоқлар». 20.55 Мусикий танавфус. 21.05 «Жаҳон киноси». 23.05 Хит-коллекция. 23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА 19

УЗТБ-1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 — 8.25 «Ахборот». \* 8.25 «Дилрабо тароналар». 8.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига «Ўзбектеелефильм» намойиш этади. «Акмал». 9.00 «Хамкорлик ришталари». 9.20 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 36-қуй. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00, 19.00 Янгиликлар. 10.05 «Ишон ва кўнун». Тележурнал. 10.30 «Кран зайити ва муаммолари». 11.00 «Кичикинтой устанонаси». 11.20 «Осон эмас бу майдон ира...». Адабий кўрсатув. 11.45 «Шумтака». Мультфильм премьеряси. 27-серия. 12.05 Мустақиллик оидимлари. 12.10 «Акс-садо». 12.40 — 14.00 Кундузги санс: «Нипполино». Бадий фильм.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Шорлар болаларга». Наринор Орифжон. 18.30 «Илга эътибор». 18.45 «Хосибони билганлар». 19.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига «Алломши от сурган тупрок». 3-қисм. 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Таслим-тарбия миллий дастури». Амалда. 20.05 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иктисодий чорхадалари». 21.20 «Наво таралсин». Мусикий дастур. 21.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига: Н.Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр премьеряси. 1-қисм. 22.15 «Ешлар» телеканал: «Янги авлод». «Ешлар табассуми». «Кўнгил кўлма мувабатдан». 23.25 «Ахборот». 23.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор». «Зарафшон». 00.35 — 00.40 Ватан тимиоллари.

УЗТБ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи» (рус тилида). 18.15 «Ерилотшо». Мультўлтам. 18.35 «Жосулар». Хужжатли сериял. 19.05 «Дойче Велле» тақдим этади... 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Хонадон». 20.10 «Истиклол кўшиклари». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Фолти минораси» меймонхонаси. Телесериял. 21.50 «Жаҳон жанговар санъати». 22.05 «Даракчи». 22.15 Оханлар ва эълонлар. 22.30 «Кинонигоҳ». 00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

УЗТБ-III

16.35 Янгиликлар. 16.40 Болалар учун «Эртангики чоршанба». Кинокўрсатув. \* \* \* \* \* Россия жамоат телевидениеси 6.30 — 8.00, 17.20 — 20.35 \* \* \* \* \* 20.35 «Регистон узра наволар». Фильм-концерт. \* \* \* \* \* Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30 \* \* \* \* \* 21.30 Эълонлар. 21.35 «Кино сайёраси». 21.55 Аллен Делон «Зорро» фильмида. 23.55—00.15 «Ахборот» (рус тилида).

УЗТБ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ \* \* \* \* \* 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50



«Мультмоша». 19.05, 22.20 — Ўзлонлар. 19.10 «Морена Клара». Телесериял. 19.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Шукрона». 20.00 «Спорт-лото». 20.10 «Нафосат гўлдан». 20.40 «Хуқук ва бурч». 21.00 «Елкин». 21.20 «Автосалтанат». 21.30 «Мезон». 21.50 «Дурдаршан». 22.25 Олтин хазина М.Шайхзода. «Мирзо Улуғбек». Хамма номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри спектакли 1-қисм. 23.45 — 23.55 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 20

УЗТБ-1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 — 8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Уйлар, ёшлимиз». Мусикий дастур. 9.10 «Ҳаёт» чашмалари». 9.30 Н.Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр. 1-қисм. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига: «Остонаси тиллодан». 10.30 «Алифбо сабоқлари». 11.00 Болалар учун. «Дано бою дарвасида». 11.20 «Шумтака». Мультфильм премьеряси. 25-серия. 11.35 «Эл саломатлиги йуллари». 12.05 Ўзбек куйларидан концерт. 12.35 Кундузги санс. «Жаннат кидирув бошледи ҳаётдан». Бадий фильм. 14.10 — 14.30 «Илм — узалики билмақдир».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Табият алифбоси». 18.25 «Таянч нуқтаси». 18.40 «Ажаб савадат эър...». Бадий-публицистик кўрсатув. 19.05 «Мусикий сар». 19.25, 20.25, 20.55, 21.00 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Олма-узи». 20.10 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Парламент соати». 21.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига: «Ўзбекистон — Ватаним меним». Мусикий дастур. 21.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига: Н.Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр премьеряси. 2-қисм. 22.30 «Сомон йули». 23.30 «Ахборот». 23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Бухоро» — «Судибна». 00.40 — 00.45 Ватан тимиоллари.

УЗТБ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи» (рус тилида). 18.15 «Ерилотшо». Мультўлтам. 18.25 «Эркатой». 18.45 «2000-йилдан сўнг». Телесериял. 19.05 «Бий уштира». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 Бир хурт кўшик. 20.05 «Табобат оламида». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иймон». 21.20 «Мумтоз наволар». 21.40 «Мутуйба». 22.00 «Олис ва яқин Хиндистон». 22.20 «Даракчи» (рус тилида). 22.30 Оилавий экран. «Темир хотин». 2-серия. 00.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

УЗТБ-III

17.05 Янгиликлар. 17.10 «Афсона Ибн Сино Ватани». Телефильм. \* \* \* \* \* Россия жамоат телевидениеси 6.30 — 8.00, 17.20 — 20.35 \* \* \* \* \* 20.35 «Регистон узра наволар». Фильм-концерт. \* \* \* \* \* Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30 \* \* \* \* \* 21.30 Эълонлар. 21.35 «Кино сайёраси». 21.55 Аллен Делон «Зорро» фильмида. 23.55—00.15 «Ахборот» (рус тилида).

УЗТБ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ \* \* \* \* \* 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультмоша». 19.05 «02» тўлкинида. 19.20 «Хамшахарлар». 19.40 «Рақурс». Бадий-публицистик кўрсатув. 20.10 «Лаззат». 20.30, 22.20 — Ўзлонлар. 20.35 «Мубабат тарихи». Телесериял. 21.20 «Замонавий дизайн». 21.40 «Хаммаси мода ҳақида». 22.00 Мусикий Олимп. 22.25 Киносалон. 00.05—00.15 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 21

УЗТБ-1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00—8.25 «Ахборот». \* 8.25 Шарқ тароналари. 8.55 «Ез кўнчлар». Пулат Мўмин. 9.25 Н. Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр. 2-қисм. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 «Талаб ва тақлиф». 10.30 Мустақиллик оидимлари. 10.35 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув. 11.00 «Шумтака». Мультфильм премьеряси. 24-серия. 11.40 Болалар учун.

«Биз улгайиб қолдик». 12.05 Кундузги санс. «Эл ардоқлаган артист». Бадий фильм. 13.25 «Соғинма деғи вафси». Мусикий дастур. 14.10 — 14.25 «Томчи».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Олтин тож». Телевизион уйин. 18.35 «Фермер». Телетанлов. 18.55 «1915 мазмуни». Тулан Низом. 19.15 «Мустақиллик бағрати». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Омонлик тилаймиз». 20.05 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Юртим мўъжизалари». 21.20 Ўзбекистон халқ ҳоғизи Ф. Мамадалиев куйлайди. 21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига: «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр премьеряси. 3-қисм. 22.20 «Ахборот». «Мунаввар дунё». Дам олиш дастури: 22.45 «Истиклол фидойилари». 23.05 «Накадар тоғли сўз — Озодлик» рункида «Хуррият». Бадий фильм. 3-серия. 23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Насаф» — «Навоҳор». 00.40—00.45 Ватан тимиоллари.

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Бугуннинг боласи». 18.40 «Бор экан-да, йўқ экан». 19.05 Гиннес-шоу. 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Ийрик пиланда». 20.15 «Туйғуларим». 20.20 «Хар лаҳзада кўшик». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Маслаҳат». 21.25 «Фолти минораси» меймонхонаси. Телесериял. 21.50 «Даракчи». 22.45 Бокс. 23.05 Оханлар ва эълонлар. 23.20 Кинонигоҳ. «Катта лўлма». 00.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

16.55 Янгиликлар. 17.00 Болалар учун. «Бинафша». \* \* \* \* \* Россия жамоат телевидениеси 6.30—8.00, 17.20—20.40 \* \* \* \* \* 20.40 «Кўнгил юртига сафар».

Россия давлат телевидениеси 21.00—21.30 \* \* \* \* \* 21.30 Эълонлар. 21.35 Оскар совриндорлари: «Муковадаги қиз». (1944). Бадий фильм. 23.30—23.50 «Ахборот» (рус тилида).

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ \* \* \* \* \* 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультмоша». 19.05 «Тазим». 19.25 «Наволарда аён этсам». 19.45 «Саломат бўлинг». 20.05, 21.55 — Ўзлонлар. 20.10 «Морена Клара». Телесериял. 20.55 «Йй сўзлардан бошладик». 21.20 «Дурдаршан». 21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Шукрона». 22.00 Кинометраф. «Плошчихадаги «Уч терак» қаҳвақонаси». 23.20 Араб эстрада си. 23.50—24.00 «Мунаввар тун ис-таб...».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ \* \* \* \* \* 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультмоша». 19.05 «Тазим». 19.25 «Наволарда аён этсам». 19.45 «Саломат бўлинг». 20.05, 21.55 — Ўзлонлар. 20.10 «Морена Клара». Телесериял. 20.55 «Йй сўзлардан бошладик». 21.20 «Дурдаршан». 21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Шукрона». 22.00 Кинометраф. «Плошчихадаги «Уч терак» қаҳвақонаси». 23.20 Араб эстрада си. 23.50—24.00 «Мунаввар тун ис-таб...».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ \* \* \* \* \* 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультмоша». 19.05 «Тазим». 19.25 «Наволарда аён этсам». 19.45 «Саломат бўлинг». 20.05, 21.55 — Ўзлонлар. 20.10 «Морена Клара». Телесериял. 20.55 «Йй сўзлардан бошладик». 21.20 «Дурдаршан». 21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Шукрона». 22.00 Кинометраф. «Плошчихадаги «Уч терак» қаҳвақонаси». 23.20 Араб эстрада си. 23.50—24.00 «Мунаввар тун ис-таб...».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ \* \* \* \* \* 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультмоша». 19.05 «Тазим». 19.25 «Наволарда аён этсам». 19.45 «Саломат бўлинг». 20.05, 21.55 — Ўзлонлар. 20.10 «Морена Клара». Телесериял. 20.55 «Йй сўзлардан бошладик». 21.20 «Дурдаршан». 21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Шукрона». 22.00 Кинометраф. «Плошчихадаги «Уч терак» қаҳвақонаси». 23.20 Араб эстрада си. 23.50—24.00 «Мунаввар тун ис-таб...».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ \* \* \* \* \* 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультмоша». 19.05 «Тазим». 19.25 «Наволарда аён этсам». 19.45 «Саломат бўлинг». 20.05, 21.55 — Ўзлонлар. 20.10 «Морена Клара». Телесериял. 20.55 «Йй сўзлардан бошладик». 21.20 «Дурдаршан». 21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Шукрона». 22.00 Кинометраф. «Плошчихадаги «Уч терак» қаҳвақонаси». 23.20 Араб эстрада си. 23.50—24.00 «Мунаввар тун ис-таб...».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ \* \* \* \* \* 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультмоша». 19.05 «Тазим». 19.25 «Наволарда аён этсам». 19.45 «Саломат бўлинг». 20.05, 21.55 — Ўзлонлар. 20.10 «Морена Клара». Телесериял. 20.55 «Йй сўзлардан бошладик». 21.20 «Дурдаршан». 21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Шукрона». 22.00 Кинометраф. «Плошчихадаги «Уч терак» қаҳвақонаси». 23.20 Араб эстрада си. 23.50—24.00 «Мунаввар тун ис-таб...».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ \* \* \* \* \* 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультмоша». 19.05 «Тазим». 19.25 «Наволарда аён этсам». 19.45 «Саломат бўлинг». 20.05, 21.55 — Ўзлонлар. 20.10 «Морена Клара». Телесериял. 20.55 «Йй сўзлардан бошладик». 21.20 «Дурдаршан». 21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Шукрона». 22.00 Кинометраф. «Плошчихадаги «Уч терак» қаҳвақонаси». 23.20 Араб эстрада си. 23.50—24.00 «Мунаввар тун ис-таб...».

17.10—18.45 Т